

Маданият сўзининг маъноси



09:00 / 03.03.2024 10320

«Маданият» сўзи арабчадан олинган бўлиб, шаҳарликка хос ва шаҳарга мос деган маънони билдиради. Маданий дегани шаҳарлик дегани. Мадина сўзи ҳам шундан олинган. Ислоом оламида маданиятлиликнинг моҳияти, қонун-қоидаси, шарт-шароити, маданиятлилик белгиси ва нишонаси борасида илк бор Абу Наср Форобий ҳазратлари сўз юритган.

Абу Наср Форобий ҳазратлари маданиятли инсоннинг биринчи белгиси ва нишонаси Аллоҳ маърифати, яъни Аллоҳни таниш эканини уқтирганлар. У зот маданиятли инсонлар яшайдиган шаҳарда Аллоҳни таниган одамгина маданиятли бўла олишини, адолатли ва инсофли бўлишини, Аллоҳ тўғрисида соғлом ақидада бўлиши лозимлиги тўғрисида сўз юритади. Демак, Аллоҳни танимаган ва унга имон келтирмаган каслар - буюк

аждодимиз фикрича – маданиятсиз кишилардир. Зотан, ҳақиқий одоб-ахлоқ ҳам Яратганни билиш, унинг буйруқлари ва таъқиқларига амал қилиш билан намоён бўлади.

Шундай экан, мамлакат аҳолисини маданиятли қилиб таълим-тарбия қилишни мақсад қилар эканмиз, фарзандларимизни боғча ва мактаб ёшидан бошлаб Аллоҳ маърифати, яъни Аллоҳни таниш руҳида камол топтиришимиз лозим!

Ҳамидуллоҳ Беруний